



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 28 (9.525) 2001 йил 7 март, чоршанба Сотувда эркин нархда

XXI саҳоси Хаср Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

Муборак Қурбон хайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига хорижий мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарларидан эзгу тилаклар билдирилган самимий табриклар келмоқда.

Ўрта Осиёда ягона бўлган Тошкент Ислам университетида муборак Қурбон хайити арафасида мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг туҳфаси — Туник давлатида чоп этилиб, маъмур мамлакат Президентини Зайн ал-Обидин бин Али томонидан Ўзбекистон халқига юборилган 30 жилдли Мусхафи Шариф тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Атал Бихари Важапидан Гужаратдаги кўпқаб қўрбонларга сабаб бўлган ва катта вайронгарчилик олиб келган зилзила муносабати билан билдирган ҳамдарддиги учун самимий миннатдорлик мактуби келди.

Давлат ер ресурслари қўмитасида туپроқ унумдорлигини оширишга бағишланган икки кўнлик анжуманда ердан оқилна фойдаланиш, уни озиклантириш, самардорлигини ошириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги биринчи галдаги вазифалар муҳокама этилди.

Самарқанд вилоят ҳокимининг қарорига мувофиқ ҳар ойнинг охириги шанбаси вилоятда таълим ва тиббиёт куни деб эълон қилинди.

Пойтахт вилоятининг Паркент туманида «Оналар ва болалар боғи» деб номланган янги маскан «Экосан» халқаро соғлом авлод жамғармаси ва шу туман аҳолиси томонидан бунёд этилди.

Мулла Тўйчи Тошмухамедов номидаги Қашқадарё вилоят мусиқали драма театрида «Бибихоним маънавияти» деб номланган кўрик-танлов бўлиб ўтди.

Сирдарё вилояти болалар кутубхонаси, Сирдарё ва Сайхунбод туманлари халқ таълими бўлимлари, Бахт шаҳар ҳокимлигининг «Бахтнома» газетаси тахририяти «Президент асарларини ўрганамиз» деб номланган ёш китобхонлар кўрик-танловини эълон қилди.

Қарши шаҳрида нодавлат-нотижорат ташкилоти — «Авлод» маркази ташкил этилди. Янги марказ АҚШ тараққиёт агентлиги (ЮСАИД)нинг «Вирко интернейшл» ташкилоти орқали молиялаштирилган гранти ҳисобига очилди.

Республика Бадий академиясининг кўргазмалар залида «Қўли гулдуз ўзбек аёли» деб номланган кўргазма иш бошлади. Мамлакатимиз Мустақиллигининг 10 йиллиги ва Оналар ва болалар йилига бағишланган ушбу тадбирда республикаимизда ижод қилаётган рангтаъсирчи ва хунарманд аёлларнинг асарлари намойиш этилмоқда.

Бухорода теннис бўйича вилоят очик биринчилиги бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри, Бухоро, Андижон, Фаргона, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларининг тахрибали теннисчилари иштирок этди.

Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида банк ходимлари ва мижозларга қўлайлик яратилди. Бу ерда «Заминбанк»нинг Пайшанба бўлими учун икки қаватли янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди.



Жаҳонда

Кеча Москвага Нигерия Президенти Л. Аббасанджо биринчи бор расмий ташрифи билан келди. У Россия Федерацияси Президенти В. Путин билан учрашди ва томонлар икки мамлакат ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик шартномасига имзо чекишди.

Бугун Вашингтонга Корея Республикаси Президенти Ким Дэ Чжун ташрифи билан келди. У бу ерда Президент Жорж Буш билан ҳудудий хавфсизлик муаммолари юзасидан музокаралар олиб боради.

Швейцарияда мамлакатнинг Европа Иттифоқига аъзо бўлиши борасида референдум ўтказилди.

Би-Би-Си жаҳон хизматининг хабар беришича, Толибон ҳаракати мамлакатдаги ноисломий ҳайкалларнинг йўқотишини Будданинг қояга уйиб ишланган дунёдаги энг ноёб ва қimmatбахо икки тимсолини бузишдан бошлади.

Москвага ташрифи буюрган Европа Кенгашининг инсон ҳуқуқлари бўйича комиссари Альваро Хиль-Роблес Россия ташқи ишлар вазири Игорь Иванов билан учрашди.

Португалияда Дуэро дарёси устидаги кўприк қулаб тушиши натижасида 77 киши ҳалокати сабаб бўлган фожиа муносабати билан икки кўнлик мотам эълон қилди.

Португалияда Дуэро дарёси устидаги кўприк қулаб тушиши натижасида 77 киши ҳалокати сабаб бўлган фожиа муносабати билан икки кўнлик мотам эълон қилди.

Қозғоғистонда микроавтобуснинг юк машинаси билан тўқнашуви тухайли 5 киши ҳаётдан кўз юмди, 4 киши оғир тан жароҳати олди.

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, МУҲТАРАМА ОНАЛАР, ҚАДРЛИ ОПА-СИНГИЛЛАР!



МУШОИРА

Жуманиёз ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон халқ шоири
У ҳаётнинг
рамзидир гўё...

Хоним дейму ё эркам, жоним,
Бегим дейму ё дейму бонув.
Аёл отлик буюк жаҳоним,
Сен мен учун абадий ёғду.

Ойим дейму ёҳуд кўбшим,
Барча сифат ожиз қарингда.
Сенинг билан кўқадур
бошим,
Сен порайсан кўнгил
аршимда.

Дейдиларки,
Бу олам ичра
Колса ҳамки бир донга аёл,
Заргар зоти кундузу кеча
Безагинги этаримиз хаёл.

Бешик эмас, дунё тобратган
Қўларингни ўпсак бўлар оз.
Обларинг остида эркам
Жаннат деган энг олий эъзоз.

Битта қулгинг — ҳаёт қувончи,
Битта гаминг — жаҳоний андуҳ.
Жаҳонларни қамрар қулочинг,
Оналарда — энг қудратли руҳ.

Соҳларининг ҳар бир толаси
Соним йўли қадир мунаваар.
Бешикдаги жажжи боласи —
У келажак аталмиш гавҳар.

Аёл номи қошида дунё
Эҳтиром-ла этгайдир таъзим.
У ҳаётнинг рамзидир гўё,
У ҳаётдай мангу ва азим!

Бирор-бир муҳитда икчим яхши бўлиши учун албатта ўша ердан бирорта дарё ўтган бўлиши керак. Бирор-бир гўшада юраклар тоза ҳаводан тўйиб нафас олиши учун у ерда кўркам дараклар, муаттар гуллар бўлмоғи даркор. Жамият мувозанатини сақлашда аёлларнинг ўрни ҳақда Юртбошимиз шундай деганлар: «Оқила, гўзал аёллар ўзларининг гамҳурлиги, меҳрибонлиги, қалби дарёлиги билан оиладаги, қолаверса бутун жамиятдаги мувозанатни, поклик, ҳалоллик, самимият ва адолат муҳитини сақлаб турдилар».

Бу таъриф бугунги кунда эзгулик яратадиган барча хотин-қизларга куч-қувват беради. Ишонч — келажакка умид, деб аталмиш боғнинг илдизлариға сув элтувчи дарё. Ишонч ҳаёт уммонда ҳориб, наҳот излаб боққаннинг сени чорловчи маёқ.

Ўн йилдири, мана шу ишонч билан тонгларда шукроналар айтаемиз. Ўн йилдири, момоларимиз ўрганган, аммо турғунлик йилларида йўқолиб кетишига оз қолган ўланларимиз, термаларимиз тилимизга қайтди. Болалиқда бувим бирор юмушини бажараётиб менга ҳар хил қўшиқлар ўргатардилар. Шулардан бирини тез-тез такрорлаб турардилар:

Ой юзингни доғи йўқ,
Омон-омон ёр,
Янтоғингни ёғи йўқ,
Омон-омон ёр.

Ватанидан айрилгани,
Омон-омон ёр.
Суюғувчи тоғи йўқ,
Омон-омон ёр.
Бувим бу қўшиқни бунча кўп такрорлайди-я деб ҳайрон бўлардим. Бувим эса шу қўшиқни эсиндан чиқарма болам, деб ўқтириб чарчамасди.

Йилларида айнқиса ҳис этмоқдамиз. Чунки Мустақилликни ҳаммамиз узоқ йиллар орзу қилиб яшадик. Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Мактабни олтин медаль билан, институтни имтиёзли диплом билан тугатган дугонаим олимлик ишини ҳимоя қилишдан олдин бир хоналик уйига тақлиф этди. Турмуш ўртоғи ҳам бўлажак

ҲАР КУНИМИЗ БАЙРАМ АЗИЗАМ

Энди бу қўшиқларни тушуниб бормоқдаман.

Бу гул умр ўтгани сайин
Яқин келади, Ватан деган сўз.
Шувдан ўтган умрим азиздир,
Шувдан кўрар қуларим азиз.

Умримнинг мазмуни бўлдинг мустақил Ватан. Қўларимга нур, кўнгил дарзларимга малҳам бўлдинг. Тонглар туриб, тунлар бедор юриб айтардим.

Республикаимиз Президенти 2001 йилни Оналар ва болалар йили деб эълон қилдилар. Демак, ушбу йилимизнинг энг эзгу тилаклари оналарга, болаларга айтилган. Демак, йилнинг энг гўзал гуллари яна аёлга! Барча ёруғ ниятлар, интилишлар, ардоқлар аёлгадир. Бунга биз Истиқлол

олим эканлар. Ҳали ўттизга ҳам кирмаган, эллиқнинг нари-берисида дер эди кўрганлар. Дугонамнинг ҳимоя иши марказда бўлиши керак эди. Афсуски, илмий кенгаш унга фан номзоли деган номни бермади. Лекин бир куни бизнинг кўчамизда ҳам «байрам» бўлиб қолишига ишониб, умид қилди.

Мустақиллик байроғи юртимиз, она-заминимиз узра ҳилпирлади-ю меҳнатлари юзага чиқиб, дугонаим ҳам илмий ишини ҳимоя қилишди. Ҳозир у фан доктори, профессор. Унинг саодатли чеҳрасини кўрсам, энди биз дунёдаги энг аржуманди бахт деб қўяман...

Хотин-қизлар куни баҳонасида дилимдан кечган туйғуларимни шундайлигича қоғозга туширдим:

Орзуси ўзидан бўйчан дугонаим,
Хаёлчан дугонаим, ўйчан дугонаим.
Узун киприқларни қуйчан дугонаим,
Кулгуси лазизам, сўзи лазизам.
Ҳар кунимиз байрам азизам.

Омалда хуш дегил келар дам яхши,
Йўларга термулиб қулар дам яхши,
Яхшиликлар яхши, бу гул дам яхши.
Гулларга гул бўлиб қарайлик биз ҳам
Ҳар кунимиз байрам азизам.

Ер юзини мунаваар этмагунча то,
Ёнар сўз нишонга этмагунча то,
Муҳаббат дунёни тугмагунча то,
Бўлмаймиз паришон,
Бўлмаймиз мулзам,
Ҳар кунимиз байрам азизам.

Бошингда айланар гул, гуллар фасли
Ёнингда айланар фозилар насли
Сен оҳу қарашли, нафисли,
Қушларга қўшилиб учамиз биз ҳам,
Ҳар кунимиз байрам азизам.

Атир ҳиди тўлмиш рўзларга киргин,
Соғинчлар сўратган сўзларга киргин,
Илоё ўлмагин юзларга киргин,
Қулар муазамдир, тулар муазам,
Ҳар кунимиз байрам азизам.

Зулфия МҮМИНОВА

Хотин-қизлар байрамига бағишланган «Ҳаёт боғининг гуллари» махсус саҳифа материалларини 2-бетда ўқийсиз.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА САТРАРДА

СОБИР РАХИМОВ туманида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигиغا қарашли Педиатрия илмий текшириш институтида Оналар ва болалар йили муносабати билан «Соғлом онанан соғлом бола туғилади» шиори остида семинар бўлиб ўтди.

АКМАЛ ИКРОМОВ туманидаги 455-бошланғич таълим-тарбия марказида Оналар ва болалар йили муносабати билан ота-оналар, тарбиячи тарбияланувчилар иштирокида тадбир ўтказилди. Тадбир иштирокчилари келажак буюк Ўзбекистон учун нафақат оналар ва болаларнинг соғлом бўлиши, балки фарзандларимизнинг маънавий етук, комил инсон қилиб тарби-

даги режалари сарҳисоб қилинди.

«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» халқаро хайрия жамғармасида ўтказилган тадбирда Германия давлатидан юртимизга инсонпарварлик ёрдами сифатида келтирилган қиймати 100 минг АҚШ доллари миқдоридagi дори-дармонлар, тиббий жиҳозлар ва компьютерлар она ва бола скрининг марказларига берилишига қарор қилинди.

НИЗОМИЙ номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида касб-хунар коллежлари ўқитувчилари малакасини оширишга мўлжалланган анжуман бўлди.

ТОШКЕНТ Автомобиль йўллари институтида шаҳар Маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан талабалар иштирокида ўтказилган анжуман гивандликка қарши кураш масаласига бағишланди.

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ мухташам Халқлар дўстлиги саройида Хотин-қизлар куни муносабати билан «Сен азиз ва муқаддассан — муқаддас аёл» деб номланган концерт томошаси бўлди.

БУГУН пойтахтимиздаги мухташам «Туркистон» саройида Хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш ўтказилди.

АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ Илмий-амалий семинар

Сергеи тумани ҳокимлигида Бош қомусимизни ўрганишга бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан ташкил этилган ушбу семинарда Тошкент шаҳар Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ марказининг раҳбари Садр Салимов Конституцияни ўрганишининг аҳамияти ҳақида гапирди. Аҳоли ҳуқуқий онгини ўстиришда, уларнинг ўзлари фаолият кўрсатаётган барча соҳаларда ўз ҳуқуқлари ва вазифаларини англаб етишларида айнан Конституцияни ўрганиш юзасидан янги дастурнинг яратилиши муҳим ўрин тутиши таъкидланди.

Семинарда тумандаги маънавият ва маърифат ташкилотларининг раҳбар ўринбосарлари, халқ таълими йўналиши бўйича эса мактаб ва коллежларнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосарлари қатнашиб, ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар ҳамда ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шаҳодат МАЛИКОВА



Пойтахтимизда Наврўзи оламга ҳозирлик қизгин давом этмоқда. Ҳар бир ҳам-шаҳримизни кутлуг айёмни ёруғ юз билан, шаҳримизни обод, озода, кўркамлигига муносиб ҳисса қўшиб қутиб олиш ниятида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юмушларини сидқидилдан бажармоқда.

Жумладан, Юнусобод тумани меҳнат аҳли ҳам тантанана қизгин тайёргарлик кўрмоқда. Бунга ҳар шанба-якшанба кунлари маҳалларда, қорхона ва ташкилотларда, ўқув юртлари ҳамда мактабларда бўлиб ўтаётган ҳашарлар натижасидан билиш мумкин. Туман меҳнатқашлари учун байрам шодивоналари ташкил этиладиган «19-мавзе», «Олой» бозори ҳудудлари бугунги кунда орасаланиб, беэза ишлари ҳам ниҳоятга етказилмоқда. Шунингдек тумандаги барча кўчаларда орасатлик ишлари олиб борилиб, йўл чекараларидаги даракларда шакл берилди, оқланди.

Туман ҳудудидagi 50 та маҳаллада ҳар кунги ҳашарлар бўлиб ўтмоқда. Уларда тозалик ишлари билан бирга кўкаламзорлашти-

ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА КўКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ОЙЛИГИ

Дилларга сурур бағишлайди

ришга ҳам эътибор берилмоқда. Туман ҳудудига ойлик давомида 4000 тупдан ортиқ мевали ва манзарали дараклар, терак ва буталар экиш режаланган. Турфа гул қўчалари эса барчага баҳорий кайфият улашиши табиий.

Ҳар кунги амалга оширилган ишлар ҳокимликда ташкил этилган махсус штабда муҳокама қилиниб, эртанги режалар белгиланаётгани самара бермоқда, — дейди туман ҳокими ўринбосари Вафо Латипов. — Бизда ҳеч ким бу ишдан четда қолмапти. Наврўз шiorлари — яъни тумани беэза ишлари тугаланиши арафасида. Энг муҳими, умумхалқ байрами кунларида халқимизга яхши кайфият, меҳр-муруват кўрсатишни ҳам унутмаймиз. Тумандаги 250 та кам таъминланган оилаларга 810 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилиши. Кекса отахон ва онахонлар, меҳнат фaҳриллари, ноғиронларнинг ҳолидан хабар олиш айнана айланган. Ҳар йилгидек Наврўз нашдаси дилларга сурур бағишлашига эришамиз.

Шарифа ИЛЁСОВА

Энг қадимги, Энг севимли байрам

ТАРАДДУД

Юртимиз бўйлаб яна ҳароратли баҳор нафаси эсмоқда. Истиқлолнинг ўнинчи баҳори ўзи билан Наврўзи оламни — Янги кун, Янги йилни олиб келмоқда. Бу кутлуг, муқаддас кун биз учун қанчалар оромбахш, дилларимизга яқин ва табаррук эканини сўз билан ифодалаш қийин.

Тарихдан маълумки, кўп асрлар давомида Шарқ халқларининг умумий байрами бўлган Наврўзни йўқ қилиб юбормоқчи бўлиди. Лекин Наврўз қайта-қайта тирилди, қалбимизнинг бир бўлаги мисол у яшашда давом этверди...

Наврўз халқимизнинг энг қадимги, энг севимли байрамидир. Наврўзнинг шарофати ва ҳосияти шундаки, у ҳурмат-эҳтиром шохуласини янада баландроқ кўтарилади, ўтмиш билан бугунни кўприк мисол боғлайди.

Наврўз Ўрта ва Яқин Шарқ, Марказий Осиё, Кавказ, Афғонистон, Эрон ва бир қанча давлатларнинг ҳам байрамидир. Олимларнинг таъкидлашича, бу қадимий ва навқирон Наврўз Йил боши, Янги кун, Янги йил байрамининг тарихи деҳқончилик ва чорвачилик юртиш билан боғланган бўлиб, 10-12 минг йилга тенгдир. Наврўзи олам аввало табиат байрами, баҳор байрамидир. Наврўз кўёш тизими ҳисобида, яъни хиҷрий шамсий тақвими бўйича янги йилнинг бошланишидир. Кўёш энг шамсий тақвимнинг биринчи фасли баҳор бўлиб, унинг биринчи ойи ҳамалдир. «Ҳамал кирди — амал кирди» деган халқ нақли бежиз айтилмаган. Наврўз байрами 21 мартдан бошлансада, удумга кўра, кун билан тун миқдор жиҳатдан тенглашиб келади, Наврўздан бошлаб, кун узая бошлади, тун эса қисқариб боради. Улуг Фирдавсийнинг «Шохнома»сида, Умар Ҳайёмнинг «Наврўнома», ҳазрати Алишер Навоийнинг «Сади Искандарий» ва «Ҳазойинул маоний»

асарларида, устоз Лутғийнинг «Гул ва Наврўз» каби ўлмас дostonида ва бошқа асарларда Наврўз байрами ҳақида қимматли фикрлар билдирилган.


Наврўз фақат баҳор байрамини эмас, табиат ва меҳнат, миллий ўйинлар, спорт ва ижодкорлик, одамийлик ва меҳмондўстлик, меҳрибонлик ва эзгулик, шафқат ва нафосат байрами ҳамдир.

Миллий қадриятларимиз, миллий урф-одатларимизни ўзида муҳассас этган Наврўзда ораларидан гап тугангун-огайнилар, қариндош-уруғлар ярашиб, бир-бирларини Наврўз билан табриқлаб, эсонлик-омонлик, тинчлик-хотиржамлик тилашган. Ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ ён кўшни — жон кўшнilar бир-бирларини йўқлаб, миллий Наврўз таомлари билан байрамни биргаликда ўтказиб келишган. Наврўз баҳонасида улар миллий ўзига хос урф-одатларни, маданиятларини бойитиб, тўлдириб борганлар.


Ота-боболаримиз, бувиларимиз бу байрамда турли удум ва маросимлар ўтказганлар. Деҳқонлар ерга кўш солишган, хашарлар уюштирилган. Утганлар хотирланган. Мевали ва гул кўчатлари ўтказилиб, ободонлаштириш ишлари бажарилган. Наврўз билан хайр-саховат, меҳр-муруват бир-бирига боғланиб кетган. Бу кун аиниқса қарияларимиз, ёлғиз кишилар, ногирон, етим-есир, бева-бечоралар учун катта шодийналик олиб келган.

Мустақиллигимиз туфайлигина бутун буй-баста билан қайта тикланиб, кундан кунга қадр толиб, кенг нишонланаётган Наврўзимиз куй-қўшиқлару, дошқозонларда сумалақлар, халимлар тайёрланиб кутиб олинмоқда.

**Келинлар зулфи камалак,
Момолар тақар жамалак,
Наврўзда юртимнинг қизлари,
Пиширадилар сумалак.**
Шоира МУҲАМЕДОВА



НАВРЎЗИ ОЛАМ ЯҚИН...



«Имом ал-Бухорий сабоқлари» журналнинг янги минг йилликдаги илк сони улуг бобокалонимиз ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллигига бағишланган. Унинг тақдимот маросими Миллий матбуот марказида таниқли олимлар ва оммавий ахборот воситалари вакилларининг фаол иштирокида ўтказилди. Тақдимот қилинган журналда қандай мақолалар бор экан, деган савол ўқувчиларни қизиқтириши турган гап. Шу боис, уларнинг кўз ўнгида тасаввур ҳосил қилиш учун журнал мазмуни ҳақида қисқача тўхталишга ҳаракат қилдик.

«Сиз нима дейсиз?» рўқнидаги Матлуба Нурматованинг «Навоийни билиш — муқаддас бурчимиз» мақола-сида Навоийни ўрганиш билан боғлиқ муаммолар ва таклифлар ҳақида сўз боради.

«Акс садо» рўқнида олдинги сонда нашр этилган Алишер Тўхтасиновнинг «Умримнинг йиллари...» мақола-сида юзасидан Ўзбекистон радиоси «Машъал» дирекцияси бош муҳарриратининг бош муҳаррири ўринбосари Маъруфа Муҳамедованинг, меҳнат фахрийиси Бадриддин Насриддиновнинг ҳамда Тошкент шаҳар ўқитувчилар малака-сини ошириш институти услуббечиси Феруза Муҳаммедованинг фикрлари баён этилган.

«Адабиёт саҳифаси» Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг «Ватани севиш», «Тошкент», Кундуз Мирқаримованинг «Дунё» шеърлари келтирилган.

«Захириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 518 йиллигига» рўқнидан ёш тадқиқотчи Хамидбек Хасановнинг «Бобуршоҳнинг фикхий асари» ва журналист Мансур Иномхоновнинг «Бобуршоҳнинг қабурлари» номи мақола-лари жой олган. Уларда Бобурнинг «Мубаййин» асари ва Бобур ҳақидаги ривоятлар баён этилган.

«Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» рўқнидаги Анвар Хожиаҳмедовнинг «Бир оғиз ширин сўз» мақола-сида сўз сеҳри ва қудрати ҳамда хушомудалик ҳақида сўз боради, ширин сўзнинг жон-озиги эканлиги таъкидланади.

«Замонамизнинг буюк уламолари» рўқнида узок йиллар Ўзбекистон му-сулмонлар идорасида муфтий ўрин-босари бўлиб ишлаган Исмоил Маҳдумнинг (1893-1976) таржimai холи, фалoлияти ва қолдирган мероси билан боғлиқ қизикарли маълумотлар келтирилган.

«2001 йил — оналар ва болалар йили» рўқнидаги Ўзбекистон халқ шоири Пулат Мўминнинг «Она билан бола — гул билан лола» мақола-сида юрагидан янги юрак кўчирган, оқ сўзига меҳрин кўшиб ичирган оналарни эъзозлаш лозимлиги, боланинг эса болдай ширинлиги ҳамда бу сўзнинг келиб чиқиши билан боғлиқ тарихий воқеалар ҳикоя қилинган.

Муборак Наврўзи олам табриги ва Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йил-лигига бағишлаб ўтказилган «Истиқлол йиллари: миллий-диний қадриятларнинг халқимизга қайтиши» ил-мий-амалий анжуман ҳақидаги эълон журналнинг руҳига мос яқун ясаган. Журнал муқовасининг орқа томонида сўз мулкчининг султони ҳазрат Алишер Навоийнинг нур таралиб турган сий-моси акс эттирилган.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА 2001 йилнинг баҳорги-ёзги мавсумида Тошкент шаҳрида оқава сувларни хавф-хатарсиз ўтказишга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида

Тошкент шаҳрида 2001 йилнинг баҳорги-ёзги мавсумида оқава сувларни бехатар ўтказиш, бу борада юзага келиши мумкин бўлган фавуқлодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 апрелдаги «Тошқин, сел ва оқава сувларни хавф-хатарсиз ўтказиш юбориш ва шунга ўхшаш вазиятларнинг олдини олиш ҳақидаги 201-сонли қарорининг бажарилишини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимининг «2001 йилнинг баҳорги-ёзги мавсумида Тошкент шаҳрида оқава сувларни хавф-хатарсиз ўтказишга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида»ги қарори қабул қилинди.

Унга мувофиқ Тошкент шаҳри ҳудудида 2001 йил баҳорги-ёзги мавсумида тошқин, сел ва оқава сувларни хавф-хатарсиз ўтказишга қаратилган чора-тадбирлар режаси, шаҳар штаби аъзоларининг рўйхати тасдиқланди.

Барча тегишли бош бош-қарма, бошқарма, уюшма, фуқаро муҳофазаси хизмат-лари раҳбарлари ва туман ҳокимлари зиммасига:

ушбу қарор илова-сига му-вофиқ тасдиқланган чора-тадбирлардан келиб чиққан ҳолада ўз чора-тадбирларини белгилаш ва уларнинг тўлиқ бажарилишини назоратга олиш;

2001 йилнинг 1 мартдан 15 июнига қадар рақаб ҳо-дидларининг кечаю кундуз навбатчилигини ташкил этиш, улар томонидан ўзла-рига тегишли ҳудуддаги ва-лаш ҳақида ҳар кун эрта-лаб ва кечқурун Фавуқлод-да вазиятлар бошқармасига телефонлар орқали маълум-от бериб бориш;

барча авария-нозимлик хизматлари ва авария-таъ-мирлаш гуруҳларининг тар-кибини баҳорги-ёзги мавсу-мида фавуқлодда вазиятлар-нинг олдини олишга тайёр ҳолатта олиб келинишини таъминлаш;

фавуқлодда вазиятларни бартараф этиш учун моли-явий ва моддий манбалар захираларини яратиш;

ушбу қарорда белгилан-ган вазифаларнинг бажари-лиши юзасидан Тошкент шаҳар Фавуқлодда вазият-лар бошқармасига кўрсати-лган муддатларда маълумот-лар бериб борилишини таъ-минлаш вазифалари юкля-тилди.


Тошкент шаҳар иқтисо-диёт ва статистика бош бо-шқармаси, моддий-техника таъминоти бошқармаси зиммасига маҳаллий бюджет ҳисобидан фавуқлодда вази-ятларнинг олдини олиш учун заҳира фондини режа-лаштириш, керакли бўлган ашёлар билан таъминлаш топширилди.

«Тошкент оқшони» ва «Вечерний Ташкент» газе-талари, радио ва телевиде-ниенинг «Тошкент» студи-яси таҳририятларига сув ҳавзалари, канал ва арик-ларнинг тозаланиши сақ-лаш, уларнинг ифлослани-ши натижасида келиб чиқи-ши мумкин бўлган зарарли оқибатлар, сувга бўлган эътибор борасида миллий урф-одатларимиз, анъана-ларимиз юзасидан эшитти-риш, кўрсатув ва мақолалар бериб борилишини ташкил этиш тақлиф қилинди.

Тошкент шаҳар Фавуқ-лодда вазиятлар бошқарма-си зиммасига:

баҳорги-ёзги мавсумда юзага келиши мумкин бўлган фавуқлодда вази-ятларни зудлик билан барта-раф этилишига қаратилган чора-тадбирлар белгилаш, барча куч ва воситаларни бу ишларни олиб боришга шайлигини назоратга олиш;

Шарқ дурдоналари



- Муҳаббат барча яхши, юксак, қудратли, ёқим-ли ва ёрқин фазилатлар ижодкоридир.
- Дунёда кўёшдан сулув илоҳиёт йўқ, чин муҳаб-бат оташдан кўра ўткирроқ оташ йўқ.
- Севиш ва севилиш нақадар буюк бахт.
- Севиш — ажиб бир гул, аммо тубсиз жар ёқаси-да ўсган бу гулга яқин бормоқ ва узмоқ учун жасо-рат керак.
- Севиш ўлим даҳшатидан кичикроқ.
- Эрка ва аёл — бамисоли икки майин товуш-ки, инсон қалбидаги торлар уларсиз ҳақиқий ва тўла қонли оҳанг беролмайди.

БАЙТ:
**Ҳаяжон тўлқини, ҳасрат, табассум,
Ширин ҳаёллару, жон олар масъум,
Нозик иболару сенгадир исён —
Муҳаббат соҳиб бахтиёр инсон.**
● Тўқилган обрў синган гулдонга ўхшайди — уни чегалаш мумкин, бироқ дарз кетган жойлари дои-мо кўриниб туради.
● Яхшиликларни йўққа чиқариш учун озгина нуқ-сон етарлидир.
● Яхши ишда ҳар доим саховат ҳам, куч ҳам бу юмушни охирига етказишга ҳаракат қилади.
● Хулқ — ҳар ким ўз қиёфасини кўрсатадиган кўзгудир.
● Жамият кишиларининг фазилати хусусида фа-қат уларнинг ишларига қараб фикр юритиш мум-кин.

● Фақат ақли ва қалби тоза кишигина тўла маъ-нодаги яхши ва ишончли одамдир.
● Дунёда каттаю кичикнинг иши бир-бирига боғ-лиқдир. Уларнинг ўзаро ёрдами ва иттифоқидан яхши ишлар ҳосил бўлади. Душманлигидан эса душманлик юз беради. «Яхшиликка яхшилик» бил-лан жавоб қайтариш бу оқилнинг ишидир.
● ХИКОЯТ. Оқ қалбли шер бир кун сичқонга ях-шилиқ қилган эди. Орадан бир неча кунлар ўтиб, шер тасодифан домга тушиб қолди. Шернинг ях-шилигини эсидан чиқармаган тезфаҳм сичқон ўткир тишлари билан дом тугунларини қирқиб, ўз нажот-корини тутқунликдан халос қилди.

БАЙТ:
**Яхшилар кетидан агар чопарсан,
Истагин бахтингни шундан топарсан.
Яхшига яхши бўл, ёмонга ёмон,
Гулга гул бўлгуну, тиканга тикан.**
● Мунофиқлик, хушомадгўйлик ва икки юзлама-чилик энг катта ёвузликдир. Ниқобга ўралган бу ёвузликларни сеза бил, унга нисбатан газабқор ва мурасасиз бўл.
● Одамни ўзига мақташ хушомадгўйлик белги-сидир.
● Фақат пасткаш одамгина олдинда мақтаб, ор-қандан ғийбат қилади.
● Етти бошли аждардан эмас, тилёғламали одамлардан кўрк.
● Кимки хушомадга учса, химоясиз қолади.
● Яхшилик ниқобига ўралмаган ёки унинг қума-гига суялмаган биронта ҳам иллат йўқ.

БАЙТ:
**Ишонмагил маддох сўзамолларга,
Заррача наф учун сени мадх этар.
Бир кун муродин ҳосил этмасанг,
Икки юздан ортиқ айб санаб кетар.**
● Донолар шундай дейди:
Адаб — яхшилик билан ёмонликнинг фарқини би-лиш, фойда билан зарар орасидаги тафовутни ан-глашдир. Адаб воситасида киши ўз жонини ёмон хислатлардан даволайди, ёқимсиз айбонлардан пок-лашади, чиройли фазилатлар билан беэайди. Адаб кишини энг чиройли хулқ билан қуроқлантиради. Натижанда барча ақл эгалари бундай кишидан ҳар ишда рози бўладилар. Адаб эгаси эса кундан кун-га обрў топади, аҳоли яхшиланади, ишлари рав-нақ топади. Баъзи ҳақимлар адабни энг масъул ва кўркам феълга эга бўлиш десалар, баъзилар наф-сини барча қабих одатлардан тозалаш дейдилар. Де-мак, кимда адаб бўлса, бу ноёб неъмат. Адаб — ақлнинг суянчиги, барча фазилатларнинг жони.

- Оталар сўзи — ақлнинг кўзи.
- Умар оқар дарё, ёшлик билан қарилки ораси ўта қисқа.
- Улуғликнинг белгиси кичикларга ҳиммат кўрсатмоқдир.
- Қариганинда ёшликдаги бутун куч-қувват бе-завол ишга сарф бўлганини ҳис этишдан ортиқ бахт йўқ.
- Ёшлиқда нима эксанг, қариганинда шуни ўра-сан.

- Кексаларни ҳурмат қил, устидан қулма, бир кун вақти келиб ўзинг ҳам шундай қартасан.

БАЙТ:
**Ёшмисан, кексани сен ҳурмат айла,
Ўзинг ҳам қарийсан, ҳозирдан ўйла.
Кексага кўмак бер — суянган тоғинг,
Буну тушунарсан қариган чоғинг.**
● Оғир тош ердан минг азоб-ўқубат билан кўта-риб олинади. Уни ташлаб юбориш эса жуда осон. Ўсиб мартабадан эришиш худди шу тош кўтаришга ўхшайди. Мартабадан тушиш эса тошни ташлаб юборишдек гап.

- Махлисда «Бу ердан тур» демасликлари учун жойингни билиб ўтир.
- Шараф наслу насаб билан эмас, фазлу адаб билан топилади.
- Суви йўқ анҳорнинг қадри йўқ.
- Донолар дейдиларки, агар киши эҳтиром ва эътибор гаҳарини қидирувчилардан бўлса, гаҳ-ар каби яширин бўлсин. Токи уни изловчилар орзу фавоси билан қўлга киритсинлар. Агар, аксинча эътибор тамгасини нафс итининг буйнидан олиб, гадолар каби қўлини очиб, ўткинчиларга таъна кўзи билан қорқадиган бўлса, теғирмондек саргардон ай-ланиб, қорин тўйдириб пайида бўлса, яхшиси, обрў тилашни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, тиланчи-лик қилгани маъқул.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ тайёрлади.

Мустақиллик моҳияти

М. Уйгур номидаги Тошкент Давлат санъат институтининг ўқув-театр биносига Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси қошида ташкил қилинган «Тақдимот клуби»нинг «Мустақиллик моҳияти ёшлар нигоҳида» мавзусидаги навбатдаги сайёр йиғилиши ўтказилди.

Ёш журналист, Шерхон Қораевнинг «Мустақиллик моҳияти» номидаги китоби бағишланган мазкур тақдимот маросимида асосан ри-

солада кўтарилган гоёлар атрофида гап борди. Энг улуг, энг азиз неъмат—мамлакат Мустақиллигининг қадрига етиш учун ҳам унинг

моҳиятини англашимиз керак. Юртимизнинг кўзга кўринган етакчи олимлари, сиёсатшунослар ва ҳурматли адибларимиздан Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Уткир Хошимов, Мухаммад Юсуф, Турабек Долимов, Фаррух Акназаров, Баходир Махситов ва бир қатор Жаҳон дипломатлари билан ўтказилган суҳбатлар мазкур рисоладан ўрин олган.

Айза ҲИЛДОШЕВА

ТАДБИРЛАР

Хотира кечаси

Халқимизда фидойи, заҳматқаш, буюк инсонлар хотираси муқаддас саналиб, йиллар ўтса ҳамки уларнинг номлари ўчмай қалбларда мангу эъзозланиб келади. Ана шундай инсонлардан бири Мухиддин қори Ёқубовдир.

Куни кеча Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «Нур» гузарига Ўзбекистон халқ артисти, атоқли театр ва мусиқа санъати намояндаси устоз Мухиддин қори Ёқубов хотирасига бағишланган бадиий-ижодий кеча бўлиб ўтди.

Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги, Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш биразламси, «Ёш» маҳалласи ҳамда Тамирашом музейи томонидан ташкил қилинган ушбу кечани устознинг яқин дўстлари, садошлари, таниқли санъаткорлар ва унинг шогирдлари йиғилдилар. Хотира ке-

часини таниқли театршунос олим Баҳриддин Насриддинов бошқариб, Мухиддин қори Ёқубовнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида, унинг саҳна санъати, мусиқа маданияти, ижрочилик мактабига қўшган улкан ҳизматлари устида тўхталиб, дастлабки миллий, муслиқий драмалар, операларда ижро этган етакчи роллари ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Кечани Ўзбекистон маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Отаназар Матқубов, Мирзо Улуғбек тумани ҳокими Абдуазим Махидов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Аҳмад Жаб-

боров, Ўзбекистон халқ артистлари Гаҳар Раҳимов, Галия Измайлова, Қундуз Мирқаримова, Ортик Отажонов сўзга чиқиб устоз хотирасини ҳурмат билан ёд этдилар, хотираларидан сўзлаб бердилар. Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон халқ ҳофизлари Улмас Саиджонов, Ҳасан Ражабий ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рашид Холиқовлар уларнинг дилрабо кўшиқлари билан бадиий-ижодий кечани яна ҳам файз қўшдилар.

Кечани Мухиддин қори Ёқубов ва Тамирашом ижросидаги кўшиқлар янгради, 20-30-йиллардаги нобв киноасмалари экранда намоиш қилинди. Ўзбекистон радиокомпанияси томонидан эса «Кўшиқларда мангу қолди сиймоси» радиопилмининг аудиокассетаси тақдим этилди.

Тулнора ҲАМИДОВА

ТАНЛОВЛАР

«Мен ва менинг маҳаллам»

Ўқувчиларни ўз маҳалласини севишга ва унинг тарихини билишга, миллий қадриятларимизни сақлаш ва ўрганишга, маҳалла Ватанимизнинг бир бўлаги эканини тушуниришга қаратилган «Маҳаллада соғлом муҳит — мактабда соғлом авлод» кўрик-танловининг туман босқичи Чилонзор туманидаги 173-мактабда бўлиб ўтди.

Танловда 11 та туманда ва мактабда қатнашган Ақмал Икромов туманидаги «Меҳр» гуруҳи, Собир Раҳимов туманидан «Ал-Беруний» гуруҳи, Чилонзор туманидан «Шарқ тоғи» гуруҳлари ўзаро 4 та шарт бўйича беллашдилар. Булар «Мен ва менинг маҳаллам», «Оила, маҳалла, мактабда ўқувчилар тарбиясида муаммо», «Она билан бола гул билан лола», «Саҳнада биз севган клип-совға» шартларидан иборат эди.

— Бу кўрик-танловни ўтказиш аниқанага айланиб қол-

ди, — дейди шахар Халқ таълими бош бошқармаси етакчи мутахассиси Саида Абдурахмонова. — Мақсади-миз ўқувчиларни эркин фикрлашга ўргатиш, миллий ва ахлоқий, ҳуқуқий тарбияни, бир-бирларига бўлган меҳр ва ҳурматни шакллантиришдан иборат.

Ўқувчилар кўрик давомида барча шартлар бўйича жуда яхши тайёргарлик кўрганликларини, маҳаллада ва мактабда ўқувчилар тарбиясида учрайдиган нуқсонлар ва муаммоларни ҳамда

уларни қандай қилиб олдини олиш мумкинлигини саҳна кўришларида кўрсатиб бердилар.

Ҳайъат аъзолари қатнашган кўрик-танловнинг маҳалла фаоллари, ибратли оилалар, она ва бола, ўқувчиларнинг фаол иштирокини ҳам ҳисобга олдилар. Томошабинлар олқишини олган Собир Раҳимов туманининг «Ал-Беруний» гуруҳи қатнашган деб топилди ва шахар кўрик-танловидан қатнашиш учун йўлланма берилди.

Ҳайъат аъзолари қатнашчилар ҳомийларнинг эсдалик совғалари ва Халқ таълими бош бошқармаси томонидан махсус совғалар билан тақдирландилар.

Шоҳиста МУРОДОВА



Ёш спортчи қизлар.

Равиль Альбеков олган сурат.

ФУТБОЛ

Янгиланиш йўлидаги қадамлар

«Жар» спорт марказида янги футбол мавсуми бошланиши арафасида Ўзбекистон Футбол федерациясининг навбатдан ташқари конференцияси бўлиб ўтди.

Анжуманда дастлаб ташкилий масалалар ҳақида, Ўзбекистон Футбол федерацияси бош қотиби вазифасини бажарувчи Бахтиёр Раҳимов мазкур лавозимга тасдиқланди, федерация ижроия кўмитасига янги аъзолар сайланди. Замон талабларидан келиб чиққан ҳолда федерация Низомига ўзгариш ва

қўшимчалар киритилди, футбол бўйича Х республика чемпионати ва футбол федерациясининг рамазлари қабул қилинди.

Сўнг Ўзбекистон Футбол федерациясининг президенти Зокиржон Алматов республикамизда футболнинг бугунги кундаги ҳолати, ютуқ ва муаммоларни атрофлича таҳлил қилиб, ёш футболчиларни тайёрлаш, оммавий футболни ривожлантириш, клублар ҳужалик фаолиятини йўлга қўйиш энг долзарб масалалардан эканлигини таъкидлади.

Ўзбекистон миллий терма жамоасининг бош мураббийи Владимир Сальков ўз ёрдамчилари Леонид Остроушко ва Равшан Ҳайдаровлар кўмагида жаҳон чемпионатининг саралаш мусобақаларига ҳўри-лаётган тайёргарлик тўғрисида батафсил маълумот берди. Шунингдек, анжуманда давомий айрим вилоятлар футбол федерацияларининг раҳбарлари жойларда футболни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида тўхталиб ўтишди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ



Бош муҳаррир Ақмал АҚРОМОВ
Манзилими: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Настариндек ифори

Шаҳримиздаги «Тошмаргё» очик турдаги акциядорлик жамиятига қарашли «Настарин» сихатгоҳида ҳар ойда 50 нафар ишчи ва хизматчи дам олиб даволанади. Шулардан 25 нафари қатнаб, 25 нафари эса ётиб даволаниши мумкин.

Айни кунларда бу даргоҳда дам олувчилар физиотерапия, уқалаш, игна билан даволаш, ультратовуш, магнит ва лазер билан даволаш муолажаларини олишмоқда.

— Сихатгоҳимизда ўтган йили 749 нафар бемор дам олиб, даволаниб кетди, — дейди бош шифокор Аҳмаджон Юсупов. — Даволаниш учун йўллани-

малар «Тошмаргё» касаб-уюшма кўмитаси ёки Агросаноат ходимлари мажмуасининг Тошкент шаҳар кўмитаси томонидан берилди. Корхонада ишловчилар йўлланманинг 30 фоизини тўлашса, қолган 70 фоизини корхона ўз ҳисобидан тўлайди. Сихатгоҳимизда даволанувчилар учун барча қулайликлар мавжуд.

Жумладан, замонавий асбоб-ускуналар, дам олиш хонаси, ошхоналар барча жиҳозлар билан таъминланган.

— Мен ушбу корхонанинг таъминот бўлимида ишлайман. Сихатгоҳда дам олиб кетганлар унинг шароитлари тўғрисида илиқ фикрлар билдиришди, — дейди Абдуғаффор Талашов. — Ҳақиқатан дам

олиш жараёнида ўзимиз ҳам гувоҳ бўлиб туриб-миз. Ўзимни ёнгилик ҳис қилиб, дарддан фориғ бўлдим.

— Кейинги йил ҳам бу ерда дам олиб, даволансам дейман, — дейди чилангарлардан бири Абдувоҳид Умаров. — Чунки инсон соғ-саломат бўлса, унинг ҳамма ишлари кўнгилдагидек бўлади. Ҳа, биз ҳам ҳамюртларимизни «Настарин» каби сихатгоҳларда тез-тез дам олиб, даволаниб туришларини истаб қоламиз.

Очил ҲАЗРАТОВ

АЛПОМИШ ВА БАРЧИНОЛАР — ОРАМИЗДА

Болажонлар тест синовларини топширишди

Маълумки, республикамизнинг барча вилоятлари, хусусан Тошкент шаҳрида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг соғлиги даражасини белгилаш мақсадида «Алпомиш ва Барчино» махсус тест синовларини топшириш тадбирлари бошланиб кетди. Мусобақа тарзида ўтказилган ушбу тест синовларини болалар босқасидан тортиб, корхона, ташкилот ва муассасаларда фаоллик билан топширишгаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси ҳамда Ўзбекистон миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини ривожлантириш маркази ташаббуси билан ва уларнинг кенг ёрдамида Чилонзор туманидаги 204-боғча-мактабда ҳам беш ёшдан юқори бўлган барча тарбияланувчилар тест синовлари

дан ўтишди. Байрамона руҳда ўтган, болаларнинг қувноқ концерт номерлари ва спорт турлари бўйича кўргазмалар чиқишлари билан бошланган тадбирда болажонлар югуриш, қопток улоқтириш, тортилиш, арқончада сакраш каби спорт турлари бўйича ўз маҳоратларини кўрсатишди.

— 204-боғча-мактаб маъмурияти «Алпомиш ва Барчино» тест синовларини топширишга катта тайёргарлик кўрганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз, — дейди Республика миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини ривожлантириш марказининг раҳбари Латиф Зокиров. — Айниқса, мактаб-боғчада қаратэ

ва бошқа спорт турлари бўйича ташкил этилган тўғараклар болаларнинг соғлом ва дуркун ўсишларига омил бўлмоқда. Мана бугун ҳам махсус тест синовларининг I даражали меъёрларини ўринлагубди адо этган 14 нафар тарбияланувчиға қўқрак нишонлари ва гувоҳномалар топширилди.

Ҳа, республикамиз бўйича боғча тарбияланувчилари ўртасида илк бор шахаримиздаги 204-боғча-мактабда «Алпомиш ва Барчино» махсус тест синовлари қабул қилинди. Йил давомида ана қўқрак боғча, лицей, мактаб, коллеж, корхона ва ташкилотларда тест синовлари оммавий равишда топширилади.

Дилшод ИСРОИЛОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Қадри аёллар!

8 Март — аёллар кунини энг эзиз тиллақларимизни қабул қилайсиз.

Оналар ва болалар йилида Сизларга бахт ва омад ёр бўлишини тил қалбимиздан тилайтмиз. Ўз ғўзаллигиниз, меҳриниз ва латифатинизни сақлаб қолингиз.



«Алоқабанк» аҳолиға қуйидаги омонатларни таклиф қилади: ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛИНАДИГАН

энг кам маблағ 1000 сўм, йил якуни бўйича даромад 15%.
Банкда 28 февралғача омонати бўлган фуқаролар уни 2001 йил 1 мартдан 31 мартгача 1 ойлик «Зафар-XXI»га ўтказиши мумкин.
Энг кам маблағ 50000 сўм, муддати тугагач 5 фоиз даромад тўланади.
6 ОЙЛИК «МАДАД»
энг кам маблағ 50000 сўм, даромади 48% йиллик, 1 ой якуни бўйича 2%, 2 ой якуни бўйича 3%, 3-ой якуни бўйича — 4% ва 4-, 5-, 6-ой якуни бўйича ойига 5% ёки 6 ой якуни бўйича 24% даромад тўланади.

Болалар мақсадли «Бахтли болалик» омонати 1 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар учун (18-15 ёш)

Энг кам маблағ 10000 сўм, қўшимча маблағ қўйиш шартини билан йилига 30% даромад, омонат муддати тугагач, яъни 18 ёшга тўлиши билан тўланади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қўловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.

Эълонлар шанба ва яқшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09.
МАНЗИЛИМИЗ:
МАТБУОТЧИЛАР Кўчаси, 32-УЙ, 2-КАВАТ, 204-ХОНА.